Биографий

Отаназар Мадраҳимов



Отаназар Мадраҳимов 1921 йилда Хоразмнинг Хива шаҳрида санъаткор оиласида туғилди. Бошланғич таълимни Хивада олди, сўнгра Хивадаги билим юртида (1938 йилгача), 1938— 40 йилларда эса Урганчдаги ўқитувчилар институтида ўқиди. 1940—42 йилларда Хива районининг Оржоникидзе номли колхозида мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1942—45 йилларда фронтда бўлди. 1945—49 йилларда Хоразм Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди, ўқишни тугатгач, шу институтнинг ўзида ўқитувчи қилиб қолдирилди. 1951—54 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил кўрди. Аспирантурани тамомлагач, яна Хоразм педагогика институтига ўқитувчи бўлиб қайтди. У 1960 йилгача ушбу ииститутда ўзбек тили кафедрасининг мудири бўлди, 1960 йилдан ҳозирга қадар эса институт ректори вазифасида ишлаб келмоқда.

Олим 1957 йилда СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг мухбир аъзоси, профессор А. К. Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида янги ясалган сифатлар» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Асарлари:

1957 Ўзбек тилида сифат ва янги ясалган сифатлар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ахбороти, I, Тошкент.

1960 Ўқувчиларнинг саводини яхшилайлик. «Совет мактаби» журнали, 12-сон, Тошкент.

1961 От ва сифат масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1964 Янги сифатлар. «Хоразм пединститутининг илмий асарлари», I, Хоразм.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.